

Türkiye Scholarships (Туркия давлат стипендиялари) дастури хақида МАЪЛУМОТНОМА

I. Умумий маълумот

Türkiye Scholarships (Туркия давлат стипендиялари) — Туркия Республикаси томонидан хорижий фуқаролар учун тақдим этиладиган нуфузли давлат стипендия дастури бўлиб, у хорижий талабаларни Туркиянинг етакчи олий таълим муассасаларида бакалавриат, магистратура ва докторантура босқичларида таълим олишга жалб этишга қаратилган.

Мазкур дастур Туркия Республикасининг халқаро таълим соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш, илмий-интеллектуал алмашинувни ривожлантириш ҳамда дўстона давлатлар билан узоқ муддатли алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Дастур Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги хориждаги турклар ва қардош жамиятлар бошқармаси (**YTB — Presidency for Turks Abroad and Related Communities**) томонидан мувофиқлаштирилади.

Türkiye Scholarships доирасида қуйидаги таълим босқичлари бўйича стипендиялар ажратилади:

- a) Бакалавриат дастурлари;
- b) Магистратура дастурлари;
- c) Докторантура дастурлари;
- d) Тадқиқот стипендиялари (Research Scholarships);
- e) Қисқа муддатли ва махсус академик дастурлар.

II. Стипендия йўналишлари

Туркиянинг давлат ва нуфузли хусусий университетларида мавжуд бўлган деярли барча соҳаларни, жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар, муҳандислик, тиббиёт, табиий фанлар, иқтисодиёт, халқаро муносабатлар ва технологияларни қамраб олади.

III. Стипендия таъминоти

Türkiye Scholarships тўлиқ молиялаштириладиган стипендия бўлиб, қуйидаги харажатларни қоплайди:

- 1. Ўқиш (контракт) тўлови;
- 2. Ойлик стипендия (таълим босқичига қараб);
- 3. Турар жой (ётоқхона);
- 4. Мажбурий тиббий суғурта;
- 5. Туркияга бориш ва қайтиш учун авиачипта;
- 6. Туркия тилини ўрганиш учун 1 йиллик бепул тайёрлов курси (зарур ҳолларда).

IV. Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар

Дастурда иштирок этиш учун номзодлар қуйидаги умумий талабларга тўғри келиши лозим:

- Туркия Республикаси фуқароси бўлмаслиги;
- Олдинги таълим босқичини муваффақиятли тамомлаган бўлиши ёки тамомлаш арафасида бўлиши;

- Ўртача академик кўрсаткичлар:
бакалавриат учун камида 70 фоиз;
магистратура ва докторантура учун камида 75 фоиз;
тиббийёт йўналишлари учун камида 90 фоиз;
- Белгиланган ёш чегараларига риоя қилиниши;
- Дастур талабларига зид бўлган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги.

V. Ариза топшириш тартиби

Türkiye Scholarships дастурига аризалар фақат онлайн шаклда, расмий платформа орқали қабул қилинади. Ариза топшириш бепул бўлиб, номзодлар куйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этадилар:

- ✓ Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки ID);
- ✓ Энг яқин орада олинган фотосурат;
- ✓ Диплом ёки вақтинчалик битирув ҳужжати;
- ✓ Академик баҳолар (аттестат ёки транскрипт);
- ✓ Зарур ҳолларда тил сертификатлари ёки тест натижалари;
- ✓ Докторантура учун илмий тадқиқот режаси ва илмий иш намунаси.

VI. Танлов босқичлари

Танлов жараёни бир неча босқичда амалга оширилади:

1. Ҳужжатларни дастлабки техник ва академик саралаш;
2. Номзодларнинг мотивацияси ва академик салоҳиятини баҳолаш;
3. Сухбат (интервью) босқичи.

Интервью давомида номзоднинг таълим олишдан кўзлаган мақсадлари, илмий режаси, келгусидаги фаолияти ва Туркияда таълим олишга тайёргарлиги баҳоланади.